

ҚЎЙЛАР ДИПЛОКОККОЗ КАСАЛЛИГИНИ ОЛДИНИ
ОЛИШ САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация

Диплококк представляет собой инфекционное заболевание сельскохозяйственных животных, это крайне острые, острые, полустрые и хронические формы. Это заболевание чаще всего встречается в любое время года, особенно зимой и весной, а смертность среди инфицированных животных колеблется от 70 до 75%. У инфицированных животных наблюдается повышение температуры тела до 41 - 42 ° C, затрудненное дыхание, депрессия, спазмы носа и гнойная жидкость. В острых и хронических формах эти симптомы включают артрит, кашель и диарею.

Калим сўзлар: ветеринария, касаллик, диплококков, вакцина, олдини олиш чоралари.

Мавзунинг долзарблиги. Диплококкоз - қишлоқ хўжалик ва ёввойи ҳайвонларнинг юкумли бактериал касаллигидир (қўзғатувчиси *Diplococcus lanceolatum*). Касаллик ўпканинг яллиғланиши, сепсис, артрит, ичакларнинг яллиғланиши, лимфа тизимининг жароҳатланиши билан кечади. Ёш ҳайвонларда ўта ўткир, ўткир ва ярим ўткир шаклларда кечиб, уларнинг ўлимига сабаб бўлади. Катта ёшли ҳайвонларда асосан сурункали, баъзан, ўткир шаклларда кечиб эндометрит, аборт, артрит, мастит касалликларининг ривожланишига сабаб бўлади.

Қўзилар орасида диплококкоз билан касалланган ҳайвонларнинг ўлиш даражаси 70-75 %ни ташкил этади. Касал ҳайвонларни даволаш ва касалликка қарши курашиш тадбирлари учун катта маблағ сарфланади. Касалланиб тузалган ҳайвонлар ўсиш ва ривожланишдан ортда қолади ҳамда диплококк ташувчиси бўлиб қолади. Ҳозирги вақтгача республикамізда диплококкозга қарши курашиш воситалари (вакцина, гипериммун қон зардоби ва ҳ.к.) ишлаб чиқилмаган. Хорижий мамлакатларда ишлаб чиқарилган диплококкозга қарши биопрепаратларни қўллаш учун қўп вақт ва валюта сарфланади.

Республикаміз чорвачилик хўжаликларида юкумли бактериал касалликлар учраб турибди ва улар катта иқтисодий зарар келтирмоқда. Ушбу касалликлар орасида диплококкоз ҳам салмоқли ўрин эгаллайди.

Республикамізда ҳозирги кунга қадар диплококкоз касаллигини олдини олиш ва даволаш бўйича биопрепаратлар ишлаб чиқарилмаган. Шунинг учун маҳаллий ресурслардан (штамм) фойдаланган ҳолда қўй ва қўзилар диплококкоз касаллигининг олдини олиш учун биопрепаратлар яратиш ва уни қўллашнинг оптимал дозаларини аниқлаш тадқиқот объекти этиб белгиланди.

Тадқиқот материаллари ва услублар. Касаллик қўзғатувчиларининг патогенлик хусусияти юктириш йўли билан ўрганилди. Бунинг учун ҳар бир янги ажратилган кулбурадан бир суткалик ГПҚ суспензияси ок сичқонга тери остига 500 млн.м.т. ва қорин бўшлиғига 300 млн.м.т. юборилди. Назорат 10 кун давомида олиб борилди. Улган сичқонлар ички аъзоларидан намуналар озуқа муҳитларига экилди. Озуқа муҳитларида ўсган бактериялар Грам бўйича бўйлиб, микроскопия қилинди. Патогенлиги аниқланган бактериялар кейинги текширишлар учун олинди.

Summary

Diplococcus is an infectious disease of farm animals, it is extremely acute, acute, semi-acute and chronic forms. This disease is most common at any time of the year, especially in winter and spring, and the mortality rate among infected animals ranges from 70 to 75%. In infected animals, an increase in body temperature to 41 - 42 ° C, difficulty in breathing, depression, nasal spasms and purulent fluid are observed. In acute and chronic forms, these symptoms include arthritis, cough and diarrhea.

Патологик намуналардан сунъий озуқа муҳит-ларига бактериологик экма экилди ва термостатларда ўстирилди. Озуқа муҳитларига экилган бактерия кулбураларининг ўсиши назорат қилинди, колони-ялар тури, хилма-хиллиги, ранги, катта-кичиклиги аниқланди. Ушбу хусусиятлар оддий ГПҚ, ГПА, 5% қон зардоби ГПҚ, 5% қон зардоби ГПА каби озуқа муҳитларига бактериология экилди.

Тадқиқот натижалари ва таҳлили. Нуробод туманидаги «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида тажриба учун ажратиб олинган 200 бош қўзилар диплококкоз касаллигини олдини олиш мақсадида ВИТИ да яратилган қўзиларнинг диплококкоз касаллигига қарши ГОА формол вакцина билан биринчи марта 2 мл дан, 14 кундан сўнг 3 мл дан эмланди. Диплококкоз вакцинасининг 6 ойлик муддатлардаги иммуногенлик хусусиятлари ўрганилди. Тадқиқотлар давомида тажриба қўйларидан олинган қон зардоби (АР) да антителолар титри текшириб борилди. Қўзилар қон зардобидан антителолар титри ошганлиги аниқланди. Антителолар титри вакцинациядан кейин 180 кунлик муддат давомида ўртача 1: 640 ва 1: 440 ни ташкил этди. 180 кунлик кузатиш муддати давомида отардаги қўзилар орасида диплококкоз билан касалланиш ҳолати кузатилмади. Маҳаллий штаммлар асосида тайёрланган диплококкозга қарши экспериментал вакцинанинг самарадорлиги юқори даражада эканлиги аниқланди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш лозим, диплококкоз касаллигини олдини олиш учун Ветеринария илмий-тадқиқот институтида янги яратилган диплококкозга қарши ГОА формол вакцина билан қўй ва қўзилар вақтида эмланса, касалликнинг олди олинади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхаги:

1. Сыддигов А.К., Бурлуцкий И. Д. 'Вопросы этиологии колибактериоза и сальмонеллеза телят в промышленных комплексах'. Труды УзНИВИ, Том 31, 1981, с 24.
2. Чепуров К.П., Черкасова А.В. "Диплококковые и стрептококковые заболевания животных". - Киев -1963.- 160 с.
3. Б. Элмуродов, С. Абдалимов ва бошқ. "Қўйлар диплококкоз касаллигининг олдини олиш чоралари". Учинчи Республика илмий-амалий конференцияси. - Самарканд, 2004, 41-42 бет.